

**ШНҚ 2.03.14-18 “Композит полимер арматурали
бетон конструкциялар”га
1-сон ўзгартириш**

1. 1-қисм куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ

Ушбу норма ва қоидалар турли вазифаларга мулжалланган бино ва иншоотларнинг шиша базальт ва углеродли толалар асосидаги композит полимерли арматура билан арматураланган бетон конструкцияларни лойиҳалашда қўлланилади.

Норм ва қоидалар оғир, майда донали, енгил бетонлардан тайёрланадиган ҳамда 50°C дан юқори ва минус 40°C дан паст бўлмаган атроф-муҳит ҳароратининг тизимли таъсири остида ишлатиладиган конструкцияларни лойиҳалашга куйиладиган талабларни белгилайди.

Композит полимер арматураларни иқтисодиёт мажмуаси тармоқларининг куйидаги объектлар қурилишида ушбу норма ва қоидаларда кўрсатилган талабларига мувофиқ тарзда бетон конструкцияларни мустаҳкамлашда учун қўллаш тавсия этилади:

ҚМҚ 2.01.03-96 талабларига мувофиқ биноларнинг юк кўтарувчи тош ва ўзактошли қурилмали деворларининг кўтариш қобилятини ва фойдаланиш ишончилигини ошириш мақсадида (ғишт деворларнинг горизонтал чоклари, кўп қатламли тош ва ўзактош қурилмали деворларда боғловчи сифатида, турли материаллардан қурилган деворларнинг сувок катлами);

биноларнинг пойдеворларида ва мураккаб тузилган (ўзакланган) деворларида;

ҚМҚ 2.01.03-96 талабларига мувофиқ зилзила пайтида бинонинг зўриқиши чегараланган ҳолатга ўтиши муносабати билан элементлари III-синф тоифага мансуб бўлган биноларда (перемичкалар, ўз юкини кўтариб турувчи деворлар, тўсиқлар, осма панеллар);

йўл-транспорт инфратузилмасида: йўл плиталари ва тубинглар, йўл қопламалари ва тўсиқлари, сувларни йиғиш ва оқизиш элементлари, ҳимояловчи ва сигнал берувчи қурилмалар, автомобиль йўллари кўприқларининг плита қопламалари;

саноат поллари, яширин каналлар ва тарновларга эга бўлган объектларда;

электромагнит тажовузкор муҳитда фойдаланиладиган қурилмалар (ёритиш устунлари, электр узатиш тармоқлари устунлари ва туташ тармоқлари);

гидротехника ва сув хўжалиги қурилишида (гидротехника иншоотларининг пойдеворлари, сувни олиб кириш ва чиқариб юбориш

каналлари, босим остидаги ва босимсиз туннеллар, эр ости иншоотлари, каналлар ва дарёлар қирғоқларини мустаҳкамлаш плиталари, ирригация лотоклари);

геотехника иншоотларида;

кимё ва нефт-газ саноатида, токсик маҳсулотларини кўмиш жойларида, сувни тайёрлаш ва сувни тозалашда;

шаҳар муҳандислик инфратузилмасида (ободонлаштириш учун йиғма ва моноклит элементлар, йўлка плиталари, техник қудуқлар ва каналлар);

қишлоқ хўжалиги объектларида (тиргак деворлар, силос иншоотлари, дон сақлаш омборлари, ўғит сақлаш омборлари);

метрополитен шахталари ва тоннелларида (барча махсус типли ва индивидуал конструкциялар, шахта танасининг қуйма қопламаси, дренаж лотоклари, юзалар торкетировкаси остидаги каркаслар);

тиббий асбоб-ускуналар магнит-инерт муҳитда ишлатиладиган соғлиқни сақлаш объектларида.

Шунингдек, композит арматураларни қуйидаги мақсадларда қўллаш тавсия этилади:

тажовузкор муҳит таъсири шароитида фойдаланиладиган пойдеворлар (йиғма ва моноклит бетондан), тўсиб турувчи қурилмалар, қувурўтказгичлар, сиғимли иншоотларда;

бинолар ва иншоотлар конструкцияларини мустаҳкамлаш, тиклаш ва таъмирлашда.

Вертикал ва горизонтал сейсмик юкларни қабул қилувчи бино элементларига (каркасларнинг устунлари ва ригеллари, ораёпмалар, йирик панелли ва моноклит биноларнинг вертикал юк кўтарувчи элементлари, диафрагма ва қотириб турувчи тугунлар) нисбатан ушбу шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг қурилишда композит полимер арматуралардан фойдаланиш юзасидан тавсиялари жорий этилмайди

Композитную полимерную арматуру также не рекомендуется применять в несущих конструкциях следующих инженерных сооружений: автодорожные и железнодорожные мосты, дымовые трубы, башенные градирни, радиотелевизионные башни, транспортные и крановые эстакады, водонапорные башни, этажерки для размещения технологического оборудования.

Шунингдек, композит полимер арматуралардан қуйидаги муҳандислик иншоотларининг юк кўтарувчи конструкцияларида фойдаланиш тавсия этилмайди: автомобиль ва темир йўллари кўприкларида, мўриларда, минорали совутгичларда, радио-телевизион минораларда, транспорт ва кран эстакадаларида, сув минораларида, технологик ускуналарни жойлаштириш учун жавонларда.

Конструкцияларда композит полимер арматураларнинг, шунингдек, таркибига пўлат ва композит полимер стерженлари кирувчи комбинацияланган арматураларнинг қўлланиши ушбу норма ва қоидалари тавсияларида кўзда тутилмаган ҳолатларда лойиҳалаш чоғида ҚМҚ 2.01.03-96 талабларига мувофиқ шароитларда бундай конструкцияларнинг

мустаҳкамлик, ёрилишга чидамийлик ва деформацияланувчанлик коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобий-экспериментал баҳолашни назарда тутиш лозим”.

2. 6.22-банди (18-бет) чиқариб ташлансин.

3. 6.27-банди (18-бет) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.27. Композит арматуранинг сиқилишга кўрсатадиган қаршилигини ҳисобий қиймати R_{fc} чекланган ҳолатлари биринчи гуруҳга мансуб конструкциялар учун ҳисобланганда 100 МПа дан юқори бўлмаган қийматда қабул қилиш тақозо этилади”.

4. 9.6-банди (67-бет) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.6. Бетон конструкциялар учун композит полимер арматурали стерженлар сортаменти (18-жадвал) стерженларнинг номинал диаметрларига кўра тузилади (6.19-6.21-бандларга қаранг).

Стерженларнинг бирлик узунлигидаги (1 м) массаси уларнинг номинал диаметрга (18-жадвалга қаранг) мувофиқлиги композит полимер арматурасини ишлаб чиқарувчининг ҳужжатларида кўрсатилиши лозим”.